**Ҳужжат рус тилида қабул қилинган**

**«Тасдиқлайман»**

**“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарув раиси в.в.б**

**______________________А. Нагаев**

**“ 10 ” 04 2015 йил**

**“ЎзРТХБ” АЖ “Ишонч телефони” ни ишлаш регламенти**

1. “Ишонч телефони” бўйича қўнгироқлар иш куни давомида, душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 13:00 гача ва 14:00 дан 18:00 гача қабул қилинади, байрам кунлари бундан мустасно.

2. Биржада “Ишонч телефони” сифатида махсус алоқа номери ажратилиб, ушбу рақам ва унинг ишлаш жадвали очиқ тарзда “ЎзРТХБ” АЖ биносида ва унинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

3. “Ишонч телефони” га “ЎзРТХБ” АЖ бўлим бошлиқлари ва бошқа мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажаришда йўл қўйилаётган бюрократик фактлари, шу жумладан уларга юклатилган масаларни ҳал этишда асоссиз кечкиртириш ёки рад этиш ҳолатлари юзасидан раҳбариятни хабардор этиш мақсадида мурожаат қилинади.

4. “Ишонч телефони” орқали боғланганда оператор ўзини таништириши, қўнгироқ қилган шахсга у тўғрисида маълумотларни тақдим этишни таклиф қилиши ва ушбу маълумотларни қайд этиши лозим. Кейинчалик ушбу маълумотлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва “ЎзРТХБ” АЖ раҳбарияти кўриб чиқиш учун киритилади.

5. Олинган конфиденциал маълумотлар учинчи томонга ошкор этилмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.